

Али ибн Абу Толибнинг васияти



07:40 / 04.04.2019 4313

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳунинг бошига Ибн Мулжим томонидан қилич билан зарба берилди. Али розияллоҳу анҳу ҳушларига келгач: «Мени урган одамни нима қилдингиз?» деб сўради. Одамлар: «Уни ушладик», дейишди. Али розияллоҳу анҳу: «Унинг менинг таомимдан таомлантиринг, менинг сувимдан ичиринг. Агар яшаб кетсам, уни нима қилишни ўзим ҳал қиламан. Агар ўлсам, унга қайта уришга ҳожат қолмайдиган қилиб бир зарба уринглар», деди.

Сўнгра Ҳасан розияллоҳу анҳуга ўзи ювишни, кафанга ортиқча харажат сарфламаслигини васият қилди ва: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг **«Кафанга кўп пул сарфламанглар, чунки у тезда суғуриб олинади»**, деганларини эшитганман», деди. Яна: «(Тобутимни кўтариб кетаётганда) икки юриш орасида юринглар - яъни жуда тез

юрманглар, ўта секин ҳам юрманглар. Шундай қилсангиз, оқибатим яхши бўлса, мени яхшилик сари тезроқ олиб борган бўласиз, борди-ю оқибатим ёмон бўлса, елкангиздан мени тезроқ туширган бўласиз», деди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан